



"ТАСДИҚЛАЙМАН"

Фарғона вилоят ҳокимлиги

"Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати" директори

Ҳ.Долимов

2022

ҚУРИЛИШНИНГ ТИТУЛ РУЙХАТИ

Бешариқ тумани Булоқбоши МФЙ Олтин водий кўчасида жойлашган Мустақиллик майдони таъмирлаш
(реконструкция қилиш)

2022 йил Манзилли дастурига асосан

1 Бўлим. Қурилиш бўйича асосий маълумотлар

1. Объектлар номи ва манзили	Бешариқ тумани Булоқбоши МФЙ Олтин водий кўчасида жойлашган Мустақиллик майдони таъмирлаш (реконструкция қилиш)				
2. Соҳа	БОШҚАЛАР				
3. Инвестор					
4. Буюртмачи	"Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати"				
5. Ишлаб чиқувчи:					
5.1. ТИА					
5.2. ЛСЖ ва/ёки ТЖ	"Vodiy Mega Proekt" МЧЖ				
5.3. Экспертиза	"Шахарсозлик ҳужжатлари экспертизаси" ДУК Фарғона вилояти				
6. Пудратчи	"Мумтоз Металл Монтаж" МЧЖ				
7. Молиялаштириш манбаси	Маҳаллий бюджет ҳисобидан				
8. Қурилиш бошланиш ва фойдаланишга топшириш йили	2022-2022				
9. Қурилишнинг асосий кўрсаткичлар	Объектнинг умумий қиймати	01.01.2022й ҳолатига қолдиқ			
Лойиҳа қуввати (тегишли бирликлар бўйича)	объект	объект			
Асосий фондлар	1175,540	1175,540			
Капитал қўйилмалар	1175,540	1175,540			
Қурилиш - монтаж ишлари	1140,704	1140,704			
Жихоз					
Буюртмачи бошқа ҳаражатлари	34,836	34,836			
Буюртмачи сақлаш ҳаражатлари					
2022 йил тасдиқланган манзилли дастурига асосан ажратилган лимит	жорий нархда млн.сўм.				
Топшириладиган қувват (тегишли бирликлар бўйича)	объект				
Асосий фондлар	1175,540				
Капитал қўйилмалар	1175,540				
Қурилиш - монтаж ишлари	1140,704				
Жихозлаш					
Буюртмачи бошқа ҳаражатлари	34,836				
Буюртмачи сақлаш ҳаражатлари					
2 Бўлим. 2022 йил чораклар кесимида ажратилган лимит	(жорий нархда, млн.сўм)				
	ЖАМИ	шу жумладан:			
		I чорак	II чорак	III чорак	IV чорак
Топшириладиган қувват (тегишли бирликлар бўйича)	объект				объект
Асосий фондлар	1175,540				1175,540
Капитал қўйилмалар	1175,540				1175,540
Қурилиш - монтаж ишлари	1140,704				1140,704
Жихозлаш					
Буюртмачи бошқа ҳаражатлари	34,836				34,836
Буюртмачи сақлаш ҳаражатлари					

ЛОЙИХАНИНГ АСОСИЙ МАЪЛУМОТЛАРИ

(буюртмачи тўлдиради)

1. Инвестиция лойиҳани амалга ошириш Ўзбекистон Республика Президентининг

22.09.2021 йилдаги ПҚ-5250 сонли қарорига асосан

(инстанциянинг номи ва қабул қилган қарорнинг рақами ва санаси)

2. Лойиҳанинг экспертиза хулосаси _____

16.11.2022й №73376

(хулосанинг рақами ва санаси)

3. ТИА (ЛСЖ) тасдиқланган Вилоят ҳокими ўринбосари томонидан

(ТИА (ЛСЖ) тасдиқлаш қарорининг рақами ва санаси)

4. Қачон тендер (танлов) ўтказилди _____

ЛОТ-195094, 02.12.2022й

(санаси)

5. Тендер (танлов) ёлиби "Мумтоз Металл Монтаж" МЧЖ

(Қурилиш пудрат ташкилоти номи)

6. Шартнома _____

07.12.2022й №612

1 140,704 млн.сўм.

(рақами, санаси ва қиймати)

7. Лойиҳа ҳужжатларини қурилиш-монтаж ишлари билан параллел равишда олиб бориш рухсатнома

(инстанциянинг номи ва рухсатноманинг рақами ва санаси)

8. Тендерсиз лойиҳани амалга ошириш рухсатномаси _____

(инстанциянинг номи ва рухсатноманинг рақами ва санаси)

9. Лойиҳанинг қисқача маълумот ва мақсади _____

Бешариқ тумани Булоқбоши МФЙ Олтин водий кўчасида жойлашган Мустақиллик

майdonи таъмирлаш (реконструкция қилиш)

10. Молиялаштириш схемаси _____

пул ўтказиш

11. Импортга талаб ташкил этади _____

млн. АҚШ дол. шу жумладан:

- жиҳозлар сотиб олишга _____

млн. АҚШ дол.;

- хом ашё сотиб олишга _____

млн. АҚШ дол.;

- бажарилган иш ва хизматлар _____

млн. АҚШ дол.;

- чет эл кредитини қоплашга _____

млн. АҚШ дол.

БУЮРТМАЧИ



БОШ ПУДРАТЧИ



«Мумтоз Металл Монтаж» М.Ч.Ж

Директор _____

О.Ғоибназаров

Танлов асосидаги ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 612

ФАРФОНА ШАХҲРИ

2022 ЙИЛ "7" ДЕКАБР

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Фарғона вилоят ҳокимлиги «Капитал курилиш соҳасида буюртмачи хизмати» номидан Низом асосида иш кўрувчи директори Ҳ.Долимов бир томондан, кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган «Мумтоз Металл Монтаж» масъулияти чекланган жамияти номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбари О.Ғойбназаров иккинчи томондан «Бешариқ тумани Булоқбоши МФЙ, Олтин Водий кўчасида жойлашган Мустақиллик майдонини таъмирлаш (реконструкция қилиш) объектига доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I.Тарифлар

1.Мазкур шартномада қуйидаги тарифлар қўлланилади:

ижро ҳужжатлари – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект курилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда курилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;**курилиш майдони** – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг курилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;**вақтинчалик иншоотлар** – Пудратчи томонидан курилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган хар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;**беркитиладиган ишлар** – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;**шартнома нархини бўлиб чиқиш** – ишларнинг хар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгиланган холда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш (ишлар бажариш ва молиялаштириш жадваллари).

II.Шартнома мавзуси

2.Пудратчи мазкур шартнома шартларига асосан «Бешариқ тумани Булоқбоши МФЙ, Олтин Водий кўчасида жойлашган Мустақиллик майдонини таъмирлаш (реконструкция қилиш) объектида лойиҳада кўзда тутилган ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига курилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Ҳазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III.Шартнома бўйича ишлар қиймати

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган ишлар юзасидан ЛОТ-195094 бўйича ўтказилган танловнинг 2022 йил 2 декабар кунги баёни билан тасдиқланган ишлар қиймати қўшимча қиймат солиғи ва 12 % ЯИТни ўз ичига олган холда жорий нархларда **1 140 703 097** (бир миллиард бир юз қирқ миллион етти юз уч минг тўқсон етти) сўми ташкил этади.

4.Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқиши мумкин эмас, қуйидаги холлар бундан мустасно – курилиш қийматини қўпайтириш энгиз бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;-ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;-объектнинг курилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

5.Курилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6.Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV.Пудратчининг мажбуриятлари

7.Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

-барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга " " иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда иншоот нархидаги ишларни энг камида 50 % ўз кучлари билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ ўзининг кучлари ва ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ва унга ҳисоботларни ойма-ой буюртмачига топшириш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ муддатида тугатиб топшириш;-_иловага мувофиқ курилиш майдонига зарур курилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, курилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омондорга жойлаш ва сақлаш; курилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар куриш;Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;-курилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари ўрнатиш;-курилиш таваккалчиликларини суғурта қилиш;-мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой муддатда курилиш майдонини ўзига тегишли машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;-курилиш майдони кўриқланишини таъминлаш;-мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8.Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан (курилиш ишларининг 50 % дан кўп бўлмаган) зарур тарзда бажарилиши, шунингдек, объектда бажарилган ишлар юзасидан тўлиқ ҳисоботларни ва объектни фойдаланишга қабул қилиш ҳақидаги ишчи ҳайъати далолатномасини расмийлаштириб, Буюртмачига тақдим қилади ҳамда объектни фойдаланишга тайёр холда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

V.Буюртмачининг мажбуриятлари

9.Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:-мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, уч кун муддатда мазкур шартномага 2-иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган курилиш майдонини объект курилиши ва курилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;-ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-курилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;-Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;-Объект махсус ҳисоб варағига маблағлар берилганидан сўнг молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 1-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;-мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 2 ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;-мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

VI.Ишларни бажариш муддатлари

10.Шартнома:-миллий валюта «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда – томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;-кейинчалик ЭАВга конвертация қилган холда миллий валютада «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда – шартнома қонун ҳужжаларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради.

11.Пудратчи мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12.Курилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 60 кунни ташкил этади ва объект 2023 йил "05" Феврал да фойдаланишга топширилади.

13.Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

VII.Тўловлар ва ҳисоб-китоблар.

14.Вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Ҳазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 15 фоизи миқдоридан, аванс ўтказиши, бу **171 105 464,55** (бир юз етмиш бир миллион бир юз беш минг тўрт юз олтмиш тўрт сўм эллик беш тийин) сўми ташкил этади.

15.Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун объект махсус ҳисоб рақамига маблағлар ажратилганидан сўнг ойлик бажарилган ишлар ҳисоб-фактуралари ҳамда молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади (1,2 илова).

16. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин берилган авансни пропорционал равишда ушлаб қолинган ҳолда, ойма-ой бажарилган ишлар учун Вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Фазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг объект умумий шартномавий жорий қийматининг 95 фоизига доирасида амалга оширилади.

17. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб, яъни объектнинг шартномавий жорий қийматининг 5% қурилиш тугалланган объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан сўнг, кафолатли муддат тамом бўлгандан кейин, вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Фазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг, Пудратчи томонидан объектнинг фойдаланувчисидан кафолат муддатида объектда камчиликлар аниқланмаганлиги ҳамда кафолат суммасини тўланишига эътирози йўқлиги ҳақидаги маълумот тақдим этилганидан кейин амалга оширилади, ушбу ҳужжатлар Пудратчининг айби билан ўз вақтида Буюртмачига тақдим этилмаганлиги сабабли даъво муддати ўтган ёки ажратилган маблағ бюджетга қайтганлиги сабабли тўлов амалга оширилмаган ҳолларда Буюртмачи Пудратчи олдида мулкӣ ва бошқа тусда жавобгар ҳисобланмайди.

18. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

19. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиши ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

VIII. Ишларни бажариш

20. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини – техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

21. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

22. Пудратчи техник аудиторни ишлаши учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

23. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

24. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

25. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

26. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

27. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни привязка қилиш учун Пудратчига геодезия нуқталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

28. Пудратчи геодезия нуқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради. Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

29. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

30. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нуқталарида янгидан кўрилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

31. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларига мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

32. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб, уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва «Давархитектқурилишназорат» инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

33. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги таъйинлиги ва Пудратчи томонидан масъул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг «Давархитектқурилишназорат» инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

34. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарида киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

35. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилиғисиз амалга оширса ва уларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

36. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда ўз ҳисобидан қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 34-бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаसा, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

37. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради, озода сақлайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

38. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарида юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида ахамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб бермаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади. Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади. Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни уч кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

IX. Ишларни қўриқлаш.

39. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунгача ва қурилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

40. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

X. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

40.Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Бююртмачи жавоб беради.

X.Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

41.Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

42.Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Бююртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

43.Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI.Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш

44.Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан, яъни Пудратчи объектни фойдаланишга қабул қилиш ҳақидаги ишчи ҳайъати далолатномасини расмийлаштириб, Бююртмачига тақдим қилгандан сўнг амалга оширилади.

45.Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Бююртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 5 кун мобайлида қабул қилиб олинади.

46.Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Бююртмачига Бююртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Бююртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

47.Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Бююртмачининг мулкига айланади фойдаланувчига 1-ой муддат ичида топширилиши шарт.

XII.Кафолатлар

48.Пудратчи: -барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини; -лойиха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни сифатли бажарилишини таъминлаши лозим; -ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида кўрсатилган сертифицицияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини; -ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни; -объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

49.Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида йил этиб белгиланади.

50.Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади. Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Бююртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Бююртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

51.Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чиқиш «Давархитектқурилиш назорат» органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича иқтисодий судга мурожаат қилишини истисно этмайди.

XIII.Шартномани бекор қилиш

52.Бююртмачи: -шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Бююртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда; - Пудратчи пудрат шартномасини бажаришга ўз вақтида киришмаса ёки ишни суи бажариши натижасида уни белгиланган муддатда тугатиш мумкин эмаслиги аниқ бўлиб қолса, Бююртмачи иш натижаси ўзига белгиланган тартибда тўлиқ ва сифатли шаклда топширилгунга қадар истаган вақтида шартномадан воз кечиши мумкин. Шартномани бекор қилишга қарор қилган томон иккинчи томонга ёзма равишда билдиришнома юборади. Бююртмачи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

53.Пудратчи: ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, Бююртмачи томонидан бир ойдан ортқ муддатга тўхтатиб қўйилганда; Бююртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда; қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

54.Шартнома бекор қилинганда Бююртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Бююртмачига берилади, Бююртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

55.Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон иккинчи томонга 3 кун олдин ёзма билдиришнома юбориши шарт.

56.Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

57.Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XIV.Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

58.Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон: иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунда, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

59.Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, объект ҳисоб рақамига маблағлар берилгандан сўнг ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Бююртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня тўланиши Бююртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди. Вилоят молия бошқармасидан объектнинг Фазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ берилмаганлиги сабабли, тўловни амалга оширмаганлиги учун Бююртмачи Пудратчи олдида мулкий жавобгар бўлмайди ва пенялар ҳам ҳисобланмайди.

60.Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 350-моддаси 1-қисмига кўра, Бююртмачининг мажбуриятлари қуйидаги ҳолларда бекор бўлади, агар давлат органининг ҳужжати чиқиши натижасида мажбуриятни бажариш тўлиқ ёки қисман мумкин бўлмай қолса, мажбурият тўлиқ ёки унинг тегишли қисми бекор бўлади.

61.Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош торганлиги учун Бююртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош торган сумманинг 5 фоизи миқдорига жарима тўлайди.

62.Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Бююртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Бююртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Бююртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

63. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи «Давархитектқурилишназорат» инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 100 фоизи миқдориди жарима ундириш ҳуқуқига эга.

64. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган ҳаражатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

65. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

XV. Коррупцияга қарши курашишга доир мажбурий шартлар

65. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар:

-коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига зид бўлган ҳар қандай ҳатти-ҳаракатларни амалга оширмаслик;

-шу жумладан, пора тақлиф қилмаслиги, ваъда бермаслиги, товламачилик қилмаслиги, тўғридан-тўғри ёки билвосита пора олишга, яъни моддий бойликлар ёки мулкий имтиёزلарни олишга розилик бермаслиги, пора берувчининг манфаатлари йўлида компания ходими ўз лавозимидан фойдаланган ҳолда амалга ошириши ёки амалга ошириши мумкин бўлган муаян ҳаракатларни бажармаслиги шарт;

-томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш учун чоралар кўрилишини кафолатлайдилар;

-агар томонлар шартнома шартларининг бузилишига дуч келса, шунингдек, Буюртмачи ҳодимларининг ушбу шартномага ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлган ҳатти-ҳаракатлари, шу жумладан коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир этганлиги ҳақида алоқа каналларига мурожаат қилиши мумкин.

XVI. Низоларни ҳал қилиш

66. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ўзаро ҳал этолмаса, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Фарғона туманлараро иқтисодий суди томонидан кўриб чиқиладди.

XVII. Алоҳида шартлар

67. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

68. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

69. Мазкур шартномага барча ўзгартиш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

70. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

71. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишларни якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

72. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

73. Мазкур шартнома Фарғона вилоят Фазначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради ҳамда 2023 йил 31 декабр гача амалда бўлади. Шартнома 3 (уч) нусхада тузилди. Учала нусха айнан бир хил ва тенг юридик кучга эга.

Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

“Пудратчи”

«Мумтоз Металл Монтаж» МЧЖ

Манзил: Фарғона шаҳар, Қурувчилар кўчаси

2-уй

х/р: 20208000804957550001

Банк номи: “Асакабанк” Фарғона бўлими

Тел: 90-390-03-03

МФО: 00539

СТИР: 3022204978

ОКЭД-

Раҳбар:  О.Ғойибназаров

“Буюртмачи”

Фарғона вилоят ҳокимлиги «Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати»

Манзил: Фарғона ш. Темирийўл к. 37 уй

Тел./факс: 224-52-24

шҒх: 401722860302152089801056001

СТИР: 204 816 336

ОКЭД-70220

Фарғона вилояти бўйича Фазначилик бошқармаси

ЯҒХ: 23 402 000 300 100 001 010

Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар

Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса маркази (ХККМ)

МФО: 0014

СТИР: 301422499

Раҳбар:  Х.Долимов


Ҳуқуқий ҳулоса

Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига «Ҳужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа меъёрий ҳужжатларга асосланган ҳолда тўғри тузилган. Шартнома бўйича томонлар ўртасидаги мажбуриятларни бажариш муддати, предмети, нархи ва жавобгарлик шартлари келишиб олинган. Шартномани имзолаш мумкин.

Бош юристконсулт  М.М.Маматқулов

Ҳуқуқий ҳулоса

Буюртмачи вилоят ҳокимлиги «Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати» ва пудратчи «Мумтоз Металл Монтаж» масъулияти чекланган жамияти ўртасида тузилган 2022 йил «07» XII кунги 612-сонли пудрат шартномада «Бешариқ тумани Булоқбоши МФЙ, Олтин Водий кўчасида жойлашган Мустақиллик майдонини таъмирлаш (реконструкция қилиш) ишларини бажариш белгиланган. Шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Ҳужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни бошқа меъёрий ҳужжатларга асосланган ҳолда тўғри тузилган. Шартнома бўйича томонлар ўртасидаги мажбуриятларни бажариш муддати, предмети, нархи ва жавобгарлик шартлари келишиб олинган. Шартномани имзолаш мумкин.

Пудратчи юристи  М.у.


МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖАДВАЛИ

маҳаллий бюджет ҳисобидан

Бешариқ тумани Булоқбоши МФЙ Олтин водий кўчасида жойлашган Мустақиллик майдони таъмирлаш (реконструкция қилиш)

(млн.сўмда)

Молиялаштириш шартлари	2022 йил												2022 йил	Жами		
	январь	февраль	март	апрель	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь				
1 <u>Шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматидан 30% аванс</u>												171,106	171,106		171,106	
2 <u>Жорий молиялаштириш берилган авансни пропорционал равишда ушлаб қолган ҳолда</u>												912,563	912,563		912,563	
Ж А М И												1 083,669	1 083,669		1 083,669	
3 <u>5% кафолат суммаси</u>																57,035
ЖАМИ ОБЪЕКТ БЎЙИЧА												1 083,669	1 083,669		1 083,669	57,035
																1 140,704



БУЮРТМАЧИ:

БОШ ПУДРАТЧИ:

ИШЛАРНИ БАЖАРИШ ГРАФИГИ

Бешарик Т. Булокбоши МЭЙ Олтин водий к. Муस्ताкиллик майдони реконструкцияси бўйича

(минг сумда)

№	Иш турлари	Шартнома қиймати	2022 йил														
			I-чорак			II-чорак			III-чорак			IV-чорак					
			январь	февраль	март	апрель	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь			
1	Қурилиш таъмирлаш ишлари	1 140 703,097															1 140 703,097
	Жами объект бўйича	1 140 703,097															1 140 703,097

Буюртмачи:



Бош пудратчи:



ОБЪЕКТЛАРНИ ДАВЛАТ МАБЛАҒЛАРИ ВА ҲУКУМАТ КАФОЛАТИ ОСТИДАГИ КРЕДИТЛАР ҲИСОБИГА БАРПО ЭТИШДА ҚУРИЛИШ ТАВАККАЛЧИЛИКЛАРИНИ МАЖБУРИЙ СУҒУРТА ҚИЛИШ ҚИЛИШ 0504/8909/1/220055-001-сонли ПОЛИСИ

Мазкур Суғурта полисига (бундан буён - Полис) асосан Суғурталовчи, Полисда шартлашилган ҳақ (суғурта мукофоти) эвазига, Суғурта қилдирувчига ёки учинчи шахсларга, суғурта ҳодисаси содир бўлганда, Полисда белгиланган суғурта пул доирасида зарарни қоплаб бериш мажбуриятини олади.

Мазкур Полис, Полиснинг ажралмас қисми ҳисобланадиган 2022 йил «05» декабрдаги 0504/8909/1/220055-сонли "Объектларни давлат маблағлари ва Ҳукумат кафолати остидаги кредитлар ҳисобига барпо этишда қурилиш таваккалчиликларини мажбурий суғурта қилиш" шартномаси доирасида тузилган.

1	Суғурталовчи	“APEX INSURANCE” АЖ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 20.04.2019 йилдаги СФ 00241-сонли Лицензияси Юридик манзил: Тошкент ш. Буюк Ипак йўли кўчаси, 154 А уй. телефон: + (99871) 203 08 08, қисқа рақам 1188 Суғурталовчи тўғрисида батафсил маълумот ушбу сайтда: https://apexinsurance.uz
2	Суғурта қилдирувчи	“Мумтоз Метал Монтаж” МЧЖ
3	Қурилиш объекти номи	Бешарик тумани Булоқбоши МФЙ, Олтин Водий кўчасида жойлашган Мустақиллик майдонини таъмирлаш
5	Суғурта ҳодисаси	Бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, машиналар, уларга эҳтиёт қисмлар, материаллар ва қурилиш майдонида бўлган ҳамда суғурта шартномасида қайд этилган қурилиш ва монтаж буюмини ўзида ифодалайдиган бошқа мол-мулк, шунингдек қурилиш- монтаж ишларини амалга оширишда учинчи шахсларнинг ҳаётига, соғлиғига ва мол-мулкига зарар етказилиши.
6	Суғурта пули	912.562.477,60 (Тўққиз юз ўн икки миллион беш юз олтимиш икки минг тўрт юз етмиш етти) сўм 60 тийин
6.1.	шу жумладан қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда учинчи шахслар олдида фуқаролик жавобгарлиги бўйича	
7	Суғурта мукофоти	1.000.000,0 (Бир миллион) сўм


Полис 2022 йил 05 декабрда имзоланган ва 2023 йил 04 март соат 23:59 қадар амал қилади.
Суғурталовчининг жавобгарлиги мазкур полиснинг 7 бандида кўрсатилган суғурта мукофоти ёки унинг қисми
тулангандан кейин юзага келади.

Суғурталовчи номидан:

Ш.Б.Джурабоев
Ф.И.Ш. (мансаби)

05.12.2022 й.

сана



«APEX INSURANCE» МЧЖ

Объектларни давлат маблағлари ва Ҳукумат кафолати остидаги кредитлар ҳисобига барпо этишда қурилиш таваккалчиликларини мажбурий суғурта қилиш шартномасининг намунавий шакли

0252756

**ОБЪЕКТЛАРНИ ДАВЛАТ МАБЛАҒЛАРИ ВА ҲУКУМАТ КАФОЛАТИ ОСТИДАГИ КРЕДИТЛАР
ҲИСОБИГА БАРПО ЭТИШДА ҚУРИЛИШ ТАВАККАЛЧИЛИКЛАРИНИ
МАЖБУРИЙ СУҒУРТА ҚИЛИШ****0504/8909/1/220055- сонли ШАРТНОМАСИ**

(8, 9 ва 13-класс суғурта қилиш Қоидаларига асосан ишлаб чиқилган)

Фарғона ш.

«05» декабр 2022 й.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2019 йил 15 апрелдаги СФ 00241-сонли Суғурта фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи Лицензияси асосида ўз фаолиятини амалга оширадиган, кейинги ўринларда «СУҒУРТАЛОВЧИ» деб номланувчи "APEX INSURANCE" АЖ номидан 2022 йил 11 август кунги 234-сонли ишончнома асосида иш юритувчи Ал-Фарғоний филиали директори Ш.Б.Джурабоев бир томондан ва кейинги ўринларда «СУҒУРТА ҚИЛДИРУВЧИ» деб номланувчи, "Мумтоз Метал Монтаж" МЧЖ номидан Низом асосида иш юритувчи О.Ғоибназаров иккинчи томондан биргаликда «Томонлар», алоҳида «Томон» деб аталиб, қуйидаги шартлар асосида мазкур шартномани туздилар:

1 БЎЛИМ. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Суғурта қилдирувчи мазкур Шартномада белгиланган миқдор ва муддатларда суғурта мукофотини тўлаши, шунингдек ундаги шартларни бажариш шarti билан, мазкур Шартномада назарда тутилган шартларга ва/ёки қўшимча келишилган шартларга, мазкур Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланадиган истисно ва иловаларга мувофиқ Суғурталовчи қуйида назарда тутилган тартиб ва муддатларда суғурта ҳодисаси содир бўлиши оқибатида Суғурта қилдирувчига ёки учинчи шахсларга етказилган зарарни қоплаш мажбуриятини олади, шунингдек Суғурта қилдирувчи, Суғурталовчига тақдим этилган Ариза-сўровномада маълумотлар ишончилигини ва ҳақиқатга тўғри келишини ва мазкур Шартномани тузишга асос бўлишини тасдиқлайди.

1.2. Бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, машиналар, уларга эҳтиёт қисмлар, материаллар ва қурилиш майдонида бўлган ҳамда суғурта шартномасида қайд этилган қурилиш ва монтаж буюмини ўзида ифодаладиган бошқа мол-мулк, шунингдек қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда учинчи шахсларнинг ҳаётига, соғлиғига ва мол-мулкига зарар етказилганлиги учун Суғурта қилдирувчининг жавобгарлиги суғурта қилиш объектлари ҳисобланади.

2 БЎЛИМ. АТАМАЛАР

Мазкур Шартномада ишлатиладиган атамалар қуйидаги тушунчаларга эга:

- 2.1. **Суғурта ҳодисаси** – суғурта даври мобайнида мазкур Шартноманинг 3-бўлимида кўрсатилган таваккалчиликлар юз бериши натижасида 1-иловада келтирилган объектда қурилиш амалга оширилаётганда Суғурта қилдирувчининг (Наф олувчининг) мулкый манфаатларига зарар етиши.
- 2.2. **Суғурта полиси** – мазкур Шартнома кучга кирганлигини тасдиқлайдиган, Суғурта қилдирувчи суғурта мукофотини ёки унинг биринчи қисмини тўлаганидан кейин унга бериладиган ҳужжат;
- 2.3. **Суғурта мукофоти** – Суғурта қилдирувчи мазкур шартномага мувофиқ Суғурталовчига тўлаши шарт бўлган пул маблағлари суммаси;
- 2.4. **Суғурта пули** - бу шундай суммаки, Суғурталовчи суғурта ҳодисаси содир бўлганда етказилган зарарнинг ўрнини унинг доирасида бошқа шахсларга қоплаш мажбуриятини олади;
- 2.5. **Суғурта товони** — суғурта ҳодисаси содир бўлганда Суғурта қилдирувчига ёки учинчи шахсларга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ҳисобига суғурта пули доирасида тўлаши шарт бўлган пул маблағлари суммаси;
- 2.6. **Ишчилар** – меҳнат шартномаси (контракти) асосида иш бажараётган шахслар, шунингдек фуқаролик-ҳуқуқий шартномаси асосида иш бажараётган шахслар, агар бунда улар Суғурта қилдирувчининг топшириғига кўра ва унинг назорати остида фаолият юритган бўлса;
- 2.7. **Учинчи шахслар** – мазкур Шартномада назарда тутилган суғурта ҳодисаси содир бўлиши оқибатида ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига зарар етказилган жисмоний шахслар ҳамда Суғурта қилдирувчи билан шартномавий муносабатларида бўлмаган, мол-мулкига зарар етказилган юридик шахслар. Суғурта қилдирувчи, унинг оила аъзолари, унинг ходимлари ҳамда Суғурта қилдирувчи номидан фаолият юритадиган жисмоний ёки юридик шахслар учинчи шахс бўлиб ҳисобланмайди.
- 2.8. **Ариза-сўровнома** – мазкур Шартноманинг 1-сонли Иловадаги шаклига мувофиқ мазкур Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланадиган, Суғурталовчининг талабига кўра Суғурта қилдирувчи томонидан юз бериши мумкин бўлган суғурта хавфини аниқлаш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар

тўғрисида тақдим этилган ёзма маълумоти;

2.9. **Суғурта полиси** – мазкур Шартноманинг 2-сонли Иловасидаги шаклига мувофиқ мазкур Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланадиган, суғурта мукофоти тўлангандан кейин Суғурта қилдирувчи бериладиган, Суғурталовчининг мазкур Шартнома шартларига асосан суғурта товонини тўлаш бўйича мажбуриятининг кучга кирганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

2.10. **Суғурта даври** – Суғурта қилдирувчи суғурта мукофотини ўз вақтида тўлаши шarti билан мазкур Шартноманинг амал қиладиган соат 00:00 дан 2023 й. “04” мартгача бўлган (ҳар икки сананаси ичига олувчи) вақт даври. Суғурталовчи мазкур Шартнома ва суғурта полисида назарда тутилган Суғурта даврда ва Географик ҳудудда содир бўлган суғурта ҳодисалари бўйича жавобгарлик олиб боради;

2.11. **Суғурта ҳолати тўғрисидаги далолатнома** — суғурта ҳолати юз берган тақдирда Суғурталовчи томонидан Суғурта қилдирувчи ёки унинг вакили иштирокида тузиладиган ҳужжат;

2.12. **Суғурта ҳудуди** – қурилиш-монтаж ишлари амалга оширалаётган майдон (қурилиш майдончаси).

3-БЎЛИМ. СУЎУРТА ҚОПЛАМАСИ

3.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 20 декабрдаги “Объектларни давлат маблағлари ва Ҳукумат кафолати остидаги кредитлар ҳисобига барпо этишда қурилиш таваккалчиликлари мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги 532-сонли Қарорига, шунингдек мазкур Шартномада қайд этилган муддатлар, шартлар ва истисноларга мувофиқ, Суғурталовчи куйидагилар бўйича суғурта ҳимоясини тақдир этади:

- а) ёнғин, чақмоқ, портлаш, учувчи аппаратларнинг қулаши, ўз-ўзидан ёниш;
- б) ўғрилиқ ва учинчи шахсларнинг қасддан содир этган ҳаракатлари;
- в) сув тошқини ва сув босиши, қувурларнинг ёрилиши;
- г) бўрон, довул;
- д) zilзила, сел, кўчки, тупроқнинг чўкиши, ўпирилиш, қулаш;
- е) қисқа туташув, ортиқча кучланиш, электр ёйлари;
- ж) машина ва механизмлар, қурилиш материаллари ва конструкцияларнинг қулаб тушиши;
- и) нуқсонли материаллар ва конструкцияларни онгсиз равишда қўллашдан кўрган зарар;
- к) қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда учинчи шахслар олдида фуқаролик жавобгарлик пайдо бўлиши.

4 БЎЛИМ. УМУМИЙ ИСТИСНОЛАР

4.1. Мазкур Шартномага мувофиқ тузилган суғурта шартномалари бўйича куйидагилар натижаси бевосита ёки билвосита пайдо бўладиган зарарлар қопланмайди:

- а) ҳар хил ҳарбий ҳаракатлар ёки ҳарбий тадбирлар ва уларнинг оқибатлари, миналар, бомбалар, бошқа уруш қуролларининг таъсири, халқ ғалаёнлари ва иш ташлашлар, терроризм, мусодара қилиш, реквизиция, мол-мулкни хатлаб қўйиш, ҳарбий ёки фуқаро маъмурлари ва бирор бир сиёсат ташкилотларнинг фармойишига кўра мол-мулкнинг йўқ қилиниши ёки шикастлантирилиши;
- б) ядро портлаши, радиация ва радиоактив заҳарланиш;
- в) Суғурта қилдирувчининг, фойдасига суғурта тузилган шахснинг ёки уларнинг вакиллари қасддан қилган ҳаракати ёки қўпол эҳтиётсизлиги;
- г) Суғурта қилдирувчининг, фойдасига суғурта тузилган шахсларга ёки уларнинг вакиллари суғурта ҳодисаси бошлангунгача маълум бўлган хатолар, камчиликлар ёки нуқсонлар;
- д) лойиҳа-смета ҳужжатларида назарда тутилмаган ишларнинг қисман ёки умуман тўхтатилиши;
- е) айрим буюмларнинг коррозияга учраши, чириши, табиий эскириши, ўзидан-ўзи ёниши ёки бошқа табиий хоссалари, бунда ушбу ҳодисалар келтириб чиқарган бахтсиз ҳодисалар натижасида бошқа суғурта қилинган буюмлар шикастланишидан кўрилган зарарнинг ўрни қопланиши шарт;
- ё) лойиҳа-смета ҳужжатларида назарда тутилмаган тажриба ёки тадқиқот ишлари;
- ж) қурилиш техникаси ва транспорт воситалари ички томонининг ташқи омилларга боғлиқ бўлмаган ҳолда синиши натижасида шикастланиши.

4.2. Суғурталовчи шунингдек объектлар қурилишида фойдаланиладиган нуқсонли материаллар, буюмлар ёки уларнинг қисмлари алмаштирилиши, тузатилиши ёки созланиши қийматини, шунингдек ишларни амалга оширишдаги хатолар қийматини ҳам тўламайди. Ушбу истисно дахл қилинган нуқсонли материаллар ва буюмлар билангина бевосита чекланиб қолади, ammo материаллар ёки ишлардаги бундан нуқсонлар натижасида тўғри қурилган объектлар ва буюмларга етказилган зарар қопланишини истисно қилмайди.

4.3. Ёнилғи-мойлаш материаллари, кимёвий моддалар, совутиш суюқликлари ва бошқа ёрдамчи материаллар, суғурта қилинган объект томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот (суғурталовчи таваккалчиликлар учун зарур бўлган қурилиш объектларидан ташқари), қимматбаҳо металллар, тошлар, санъат асарлари, ҳужжатлар ва қимматли қоғозларнинг nobud бўлиши ёки шикастланиши, шунингдек фахш хатлов пайтида аниқланган зарар, бой берилган фойда ёки шартномавий жарималар сингари бирор-бир билвосита зарар суғурта билан қопланмайди.

«APEX INSURANCE» МЧЖ

Объектларни давлат маблағлари ва Ҳукумат кафолати остидаги кредитлар ҳисобига барпо этишда қурилиш таваккалчиликлари мажбурий суғурта қилиш шартномасининг намунавий шакли

4.4. Суғурталовчи мазкур Шартномада назарда тутилмаган ва қайд этилмаган ҳар қандай воқеаларга нисбатан жавобгарлик олиб бормайди. Суғурталовчи, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган ҳолларда суғурта товонини тўлаш мажбуриятидан озод бўлади.

4.5. Агар Суғурта қилдирувчи томонидан мазкур Шартнома шартлари бузилганлиги аниқланса, Суғурталовчи томонидан суғурта товони тўланмайди.

4.6. Агар Суғурта қилдирувчи зарар етказган шахсга нисбатан талабларни амалга оширишни таъминловчи ҳуқуқлардан бош тортса ёки Суғурта қилдирувчининг айби билан бундай ҳуқуқни амалга ошириш мумкин бўлмаса, Суғурталовчи суғурта қопламасини тўламайди (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 957 моддаси).

5 БЎЛИМ. СУГУРТА ПУЛИ ВА СУГУРТА МУКОФОТИ

5.1. Мазкур Шартноманинг 3.1.1-бандида кўрсатилган суғурта ҳодисалар бўйича суғурта пули умумий суғурта қийматининг 80%ни (80% фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда), яъни **912.562.477,60 (Тўққиз юз ўн икки миллион беш юз олти миш икки минг тўрт юз етмиш етти) сўм 60 тийинни** ташкил этади.

5.2. Суғурта мукофоти қўшимча қиймат солиғисиз **1.000.000,0 (Бир миллион) сўмни** ташкил этади.

5.3. Суғурта мукофоти томонлар мазкур Шартномани имзолаган кундан, 10 (ўн) банк куни ичида бир йўла тўланиши шарт.

6 БЎЛИМ. ШАРТНОМАНИ КУЧГА КИРИШИ ВА АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

6.1. Мазкур Шартнома томонилан уни имзолаган пайтдан бошлаб кучга киради ва Суғурта полисида кўрсатилган муддат мобайнида амал қилади.

6.2. Суғурталовчининг мазкур Шартномага кўра суғурта товонини тўлаш бўйича мажбурияти ахдлашилган суғурта мукофоти ўз вақтида тўланиши шarti билан юзага келади. Суғурта мукофоти ўз вақтида тўланмаган тақдирда, Суғурталовчининг мазкур Шартномага кўра суғурта товонини тўлаш бўйича мажбурияти ахдлашилган суғурта мукофоти тўланган кундан юзага келади ва Суғурта полисида кўрсатилган суғурта даври тугагунга қадар амал қилади.

6.3. Суғурталовчининг суғурта товонини тўлаш бўйича мажбурияти қурилиш, монтаж қилиш, ускунани салт ва иш режимида синашнинг бутун даври мобайнида давом этади ва объектни фойдаланишга топшириш пайтида, бироқ суғурта полисида қайд этилган санадан кечиктирилмаган ҳолда яқун топади.

6.4. Суғурта қилдирувчи томонидан суғурта мукофоти тўлови Суғурталовчининг ҳисобрақамига пул маблағларини ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Пул маблағлари Суғурталовчи банк ҳисобрақамига келиб тушган кун суғурта мукофоти тўланган сана ҳисобланади.

6.5. Суғурта қилдирувчига суғурта полиси суғурта Шартномаси тузилганлигини тасдиқлаш учун берилади, бироқ, мазкур Шартноманинг 5.3. бандида ахдлашилган муддатида, суғурта мукофоти тўланмаса, у ўз кучини йўқотади. Суғурта қилдирувчи Суғурта полисини йўқотган ҳолда, унинг ёзма равишдаги аризасига асосан, Суғурталовчи Суғурта қилдирувчига Суғурта полисини кўчирма нусхасини (дубликатини) ёзиб беради.

6.6. Агар Суғурта қилдирувсига ва мазкур Шартнома унинг фойдасига тузилган шахсга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ишлар уч ойдан ортиқ бўлмаган даврга тўхтатиб турилса, мазкур Шартноманинг амал қилиши томонлар ўртасидаги қўшимча битимга мувофиқ кўрсатиб ўтилган даврга тўхтатиб турилиши мумкин ва у Суғурта қилдирувчининг ёзма шаклдаги билдиришномасидан кейин ишлар қайта тикланганда, суғурта даврини ишлар тўхтатиб турилган даврга кўпайтирган ҳолда, қўшимча суғурта тўловисиз янгидан кучга киради.

6.7. Қурилиш объекти Суғурта қилдирувчига ва суғурталаш унинг фойдасига тузилган шахсга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра консервация қилинганда, мазкур Шартнома бўйича қолган давр учун мутаносиб равишда ҳисоблаб чиқарилган суғурта тўловининг бир қисми суғурталовчи томонидан қайтарилди.

6.8. Бошқа барча ҳолларда суғурта даври фақат томонларнинг ахдлашуви бўйича, миқдори томонлар ўртасидаги келишувга кўра белгиланадиган қўшимча суғурта тўлови тўланган ҳолда узайтирилиши мумкин.

6.9. Агар ишларни жадаллаштириш натижасида қурилишнинг белгиланган муддати мазкур Шартномада кўрсатилган суғурта муддати тугашидан илгари тугаса суғурта тўлови қайтарилмайди.

7 БЎЛИМ. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

7.1. Мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида:

7.1.1. Суғурта қилдирувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- а) мазкур Шартноманинг амал қилиш муддатида мазкур Шартнома бўйича бепул асосда маслаҳатлар олишга;
- б) Суғурталовчидан, суғурта ҳодисаси содир бўлгандан кейин ва Шартнома шартларига амал қилган ҳолда, мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажарилишини талаб этишга;
- в) Суғурта полиси йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган тақдирда суғурта қилдирувчи унинг дубликатини олишга.

7.1.2. Суғурта қилдирувчининг мажбуриятлари:

- а) суғурта мукофотини мазкур Шартномада белгиланган миқдор ва тартибда ўз вақтида тўлаши;
- б) Суғурталовчини суғурта суммаси ўзгарганлиги, шунингдек томонлар мазкур Шартномани имзолагандан кейин таваккалчиликда бўлган ўзгаришлар тўғрисида хабардор қилиши шарт. Объект қийматини 10 фоиздан зиёд кўпайтирувчи ўзгаришлар Суғурталовчига мазкур Шартнома шартларини қайта

«APEX INSURANCE» МЧЖ

Объектларни давлат маблағлари ва Ҳукумат кафолати остидаги кредитлар ҳисобига барпо этишда қурилиш таваккалчиликларини мажбурий суғурта қилиш шартномасининг намунавий шакли

кўриб чиқишни талаб қилиш ҳуқуқини беради;

в) барча оқилона эҳтиёт чораларини кўриши, ёнгин хавфсизлиги тўғрисидаги қонунчилик талаблари қурилиш-монтаж ишларининг тегишли турлари бўйича белгиланган меъёрларга, қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилишида фойдаланилаётган материалларни ишлаб чиқарувчисининг тавсияларига амал қилиш шарт;

г) мазкур Шартномада назарда тутилган суғурта ҳодисаси юз берганда, эҳтимол тутилган зарар камайтириш учун оқилона ва мумкин бўлган чораларни кўриши, шу жумладан мол-мулкни қутқариши, у янада шикастланишини олдини олиши, кейинги зарарларни олиб келувчи сабабларни бартараф этиш шарт;

д) мазкур Шартномани амал қилиш даврида мазкур Шартнома тузилаётганда Суғурталовчига маълум қилинган ҳолатлар бўйича ҳар қандай муҳим ўзгаришлар тўғрисида дарҳол (бу ҳақда унга маълум бўлган пайтдан 3 иш кун ичида) ёзма равишда Суғурталовчини хабардор этишга, агар бундай ўзгаришлар суғурта ҳодисаси рўй бериш таваккалчилик даражаси ўзгаришига сезиларли таъсир қилиши мумкин бўлса;

7.1.3. Суғурталовчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) мазкур Шартномани бекор этишни талаб қилишга, агар Суғурта қилдирувчи мазкур Шартномани 7.1.2. (б) кичик бандига мувофиқ мазкур Шартнома шартларини оқилона ўзгартиришга ёки қўшимча суғурта мукофотини тўлашга эътироз билдирса;

б) суғурта товонини тўлашни рад этиш, агар Суғурта қилдирувчи:

- Суғурта қилдирувчининг ёки мазкур Шартномаси унинг фойдасига тузилган шахснинг атай қилинган исботланган, суғурта ҳодисаси бошланишига йўналтирилган хатти-ҳаракатлар содир этиш уларнинг ўз фуқаролик бурчини бажариши ёки суғурталовчининг ёки учинчи шахсларнинг ҳаёти саломатлигини, шаъни ва қадр-қимматини муҳофаза қилиш билан боғлиқ хатти-ҳаракатлар бун мустасно;

- суғурталаш объекти, таваккалчилик даражаси, суғурта ҳодисаси ва унинг оқибатлари тўғрисида Суғурталовчига сохта маълумотларни қасддан хабар қилса;

- Суғурталовчини таваккалчиликдаги жиддий ўзгаришлар, шунингдек Суғурта қилдирувчига ва мазкур Шартнома уларнинг фойдасига тузилган шахсларга маълум бўлган хатолар, камчиликлар ва нуқсон тўғрисида хабардор қилинмаса ҳамда Суғурталовчининг ёки унинг вакилининг вазиятни, зарарли характерини ва миқдорини аниқлашда қатнашишига тўсқинлик қилинса;

- мазкур Шартномани шартларини бажармаётган бўлса;

- зарар етказган шахсга даво қилишдан ёки унга нисбатан талабларни амалга оширишни таъминлаш ҳуқуқлардан бош тортса, шунингдек зарар етказган шахсга регресс талабларини қўйиш учун зарар бўлган ҳужжатларни Суғурталовчига тақдим этишдан бош тортса;

- агар зарар миқдори зарар етказган шахс томонидан тўлиқ қопланган бўлса;

- Суғурта қилдирувчи томонидан содир бўлган воқеа характери, сабабларини аниқлаш учун зарар бўлган ҳужжат ва маълумотларни тақдим этмаса ёки била туриб ёлғон ҳужжат ва маълумотларни тақдим этса;

- содир бўлган воқеа Шартномада назарда тутилган истисноларга кирадиган бўлса;

- Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолатлар оқибатида содир бўлганда.

Суғурталовчи Суғурта қилдирувчи ёки мазкур Шартнома унинг фойдасига тузилган шахс томонидан зарарни бартараф этиш ва қисқартиришга доир оқилона чора-тадбирлар кўрилмаганлиги туфайли еткази зарар даражасида суғурта товони тўлашни рад этишга ҳам ҳақлидир;

в) агар Суғурта қилдирувчига нисбатан зарар юзага келиши муносабати билан тергов ёки суриштируви тайинланган бўлса; суғурта товонини тўлашни мазкур суриштирув якунига қадар кечиктириш ёки агар Суғурта қилдирувчининг товон олишга бўлган ҳуқуқларига нисбатан шубҳа мавжуд бўлса – зарар даражасида суғурта товони тўлашни рад этишга ҳам ҳақлидир;

г) суғурта ҳодисаси рўй берганлиги факти ва тўланиши лозим бўлган суғурта товони миқдорини аниқлаш учун зарур бўлган ахборотни мустақил ёки ихтисослаштирилган ташкилот орқали текширу (экспертизадан) ўтказишга, шунингдек унинг келиб чиқиш сабаблари ва тафсилотларини аниқлашга, суғурта воқеасини келиб чиқиш сабаблари ва тафсилотларини экспертизадан ўтказишга.

7.1.4. Суғурталовчи мажбуриятлари:

а) мазкур Шартнома доирасида маслаҳатлар бериш;

б) мазкур Шартномада белгиланган муддат ва тартибда суғурта полисини бериш;

в) суғурта ҳодисаси содир бўлганда, мазкур Шартномада белгиланган тартиб, муддат ва миқдорда суғурта товонини тўлар бериш;

г) Суғурта қилдирувчи ва унинг мулкий ҳолати тўғрисидаги маълумотларни ошкорлик этмаслиги учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно;

7.2. Суғурта қилдирувчи ва Суғурталовчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлган ва бошқа мажбуриятлар олиши ҳам мумкин.

8 БЎЛИМ. СУГУРТА ДАВОСИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ

8.1. Суғурта ҳодисаси содир бўлганда, Суғурта қилдирувчи ёки мазкур Шартнома унинг фойдасига «APEX INSURANCE» МЧЖ объектларни давлат маблағлари ва Ҳукумат кафолати остидаги кредитлар ҳисобига барпо этишда қурилиш таваккалчилиги мажбурий суғурта қилиш шартномасининг намунавий шакли

тузилган шахс, қуйидагиларга мажбур:

а) Суғурталовчининг сўровномаларини ёки талабларини кутиб ўтирмасдан, кўрилиши мумкин бўлган зарарларни камайтиришнинг имкони бўлган барча чораларини кўришга;

б) 7 календарь кундан кечикмай Суғурталовчини содир бўлган воқеа ҳақида ёзма равишда хабардор қилишга;

в) мазкур мол-мулк бўйича бошқа суғурта ташкилотлари билан тузилган барча суғурта шартномалари тўғрисида Суғурталовчини ёзма равишда хабардор қилишга;

г) дарҳол, 48 соатдан кечиктирмасдан бу ҳақда ваколатли органларга хабар беришга.

8.2. Суғурталовчи суғурта давосини кўриб чиқиши учун Суғурта қилдирувчи қуйидагиларга мажбур:

- ўз харажатлари ҳисобидан Суғурталовчи талаб қилиши мумкин бўлган, йўқотиш, бузилиш ва шикастланиш суммалари ва сабаблари тўғрисидаги барча тафсилотлар ва далилларни тақдим этишга;

- Суғурталовчига барча режалар, спецификациялар, топшириқномалар, дубликатлар ёки нусхаларни ҳамда содир бўлган суғурта воқеаси тафсилотлари ва сабаблари тўғрисида хулоса чиқариш имконини берувчи бошқа зарур ҳужжатларни тақдим этишга.

Суғурта қилдирувчи шикастланган мол-мулк ва ҳодиса рўй берган жой суғурталовчининг вакиллари томонидан кўздан кечирилгач ҳамда суғурта ҳодисаси оқибатларини бартараф этиш бўйича ҳатти-ҳаракатлар Суғурталовчи билан ёзма равишда келишиб олингандан кейин, имкониятга қараб суғурта ҳодисаси оқибатларини бартараф этишга (алмаштиришга, тузатишга) киришиши мумкин.

8.3. Суғурталовчи, хабарномани олгандан кейин, 3 кун ичида объектни кўриқдан ўтказиши шарт.

8.4. Суғурта қилдирувчининг ёзма аризаси олингандан ва суғурта товони тўлаш тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун зарур бўлган барча ҳужжатлар олингандан кейин комиссия тузилади, комиссия таркибига Суғурта қилдирувчининг ва Суғурталовчининг вакиллари, шунингдек, зарурат бўлганда, манфаатдор шахс ҳисобига ваколатли ташкилотларнинг вакиллари киритилади.

Суғурталовчининг вакиллари вазиятни, зарар характерини ва миқдорини аниқлаш учун суғурта ҳодисаси содир бўлган жойга эркин кира олиши ҳамда Суғурта қилдирувчи ва мазкур Шартнома унинг фойдасига тузилган шахснинг тегишли ҳужжатларидан бемалол фойдалана олиши керак.

Суғурталовчи ва Суғурта қилдирувчи ўртасида вазиятлар, зарарнинг характери ва миқдори бўйича келишмовчиликлар бўлган тақдирда масала эксперт комиссияси томонидан ҳал қилинади.

Ҳар қайси томон ўз экспертини тайинлайди ва бу тўғрида иккинчи томонни хабардор қилади ҳамда ўз эксперти хизматига ҳақ тўлайди.

Ушбу қоида томонларнинг келишмовчиликларни қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шаклларда ҳал этиш бўйича ҳуқуқларини чекламайди.

9 БЎЛИМ. СУГУРТА ТОВОННИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ

9.1. Нобуд бўлган мол-мулк учун товон суммаси уни тиклаш ёки суғурта ҳодисаси вақтидаги алмаштиришлар қиймати билан, ушбу суммалардан қайси бири камроқлигидан келиб чиққан ҳолда, чекланади.

Шикастланган мол-мулкни тузатиш харажатлари унинг ҳақиқий қийматидан ёки суғурта ҳодисаси вақтидаги алмаштириш қийматидан ортиб кетган тақдирда у нобуд бўлган деб ҳисобланади.

9.2. Суғурталовчи зарарни бартараф этиш ёки камайтириш мақсадида қилинган харажатларни, агар ушбу зарар суғурта шартларига кўра тўланиши керак бўлса, тўлайди.

9.3. Суғурталовчи шунингдек суғурта ҳодисасидан кейин ҳудудни тозалаш билан боғлиқ оқилоне харажатларни ҳам тўлайди, бироқ у суғурта пулининг 2 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

9.4. Агар айнан бир суғурта ҳодисаси мазкур Шартнома улар фойдасига тузилган бир нечта шахсларга зарар етказган бўлса, умумий товон суммаси ушбу шахслар ўртасида ҳар қайси шахс кўрган зарарини умумий зарар суммасидаги миқдорига мутаносиб равишда тақсимланади.

9.5. Агар зарар суммаси зарар етказишда айбдор бўлган шахс томонидан тўлиқ тўланган бўлса, Суғурта қилдирувчи суғурта товонига бўлган ҳуқуқини йўқотади.

Агар зарар қисман ёки тўланадиган суғурта товонидан камроқ миқдорда ундирилган бўлса, бу ҳолда у Суғурта қилдирувчи етказилган зарар учун жавобгар шахсдан олган суммани ҳисобга олган ҳолда тўланади.

9.6. Суғурта товони тўлангандан кейин суғурталанувчи ёки суғурта шартномаси унинг фойдасига тузилган шахс етказилган зарар учун жавобгар шахсларга нисбатан зарарни тўлатишни талаб қилиш ҳуқуқи тўланган сумма доирасида, Суғурталовчига ўтади. Суғурталанувчи барча ҳужжатларни суғурталовчига беришга ва айбдор шахсга нисбатан талаб қилиш ҳуқуқини амалга ошириш учун зарур бўлган барча ҳатти-ҳаракатларни қилишга мажбур.

10 БЎЛИМ. ТОМОНЛАР ЖАВОБГАРЛИГИ

10.1. Зиммаларига олинган ўз мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлиги учун томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгар бўладилар.

10.2. Томонлар ўз мажбуриятларини бажармасликлари енгиб бўлмас куч (форс-мажор) келтириб чиқарган бўлса, жавобгарликдан озод бўладилар. Енгиб бўлмас куч таъсирида бўлган томон бошқа томонни унинг юзага келганлиги ва кўрсатилган ҳолат қанча давом этиши мумкинлиги ҳақида хабардор қилиши шарт

11 БЎЛИМ. БОШҚА ШАРТЛАР

11.1. Мазкур Шартноманинг шартлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 20 декабрдаги "Объектларни давлат маблағлари ва Ҳукумат кафолати остидаги кредитлар ҳисобига барпо этишда қурилиш таваккалчиликларини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги 532-сонли Қарорига асосан ишлаб чиқилган.

11.2. Мазкур Шартномага қуйидагилар илова қилинади ва ажралмас қисми ҳисобланади:

1-сонли Илова. Ариза-сўровнома.

2-сонли Илова. Объектларни давлат маблағлари ва Ҳукумат кафолати остидаги кредитлар ҳисобига барпо этишда қурилиш таваккалчиликларини мажбурий суғурта қилиш полиси.

11.2. Томонлар, мазкур Шартнома, Иловалар ва мазкур Шартнома билана боғлиқ бошқа ҳужжатларнинг мазмуни тўғрисида томонлардан бирининг олдиндан берган ёзма розилигиз ҳар қандай учинчи шахсга ошкор этмаслиги бўйича жавобгарлик олиб борадилар.

11.3. Мазкур Шартномадан келиб чиқадиган барча низолар ва келишмовчиликлар музокаралар йўли билан ҳал қилинади, агар келишувга эришилмаса, суд тартибида ҳал қилинади.

11.4. Мазкур Шартнома 2 (икки) нусхада тузилган бўлиб, Суғурталовчи ва Суғурта қилдирувчида битта нусхадан сақланади ва уларнинг ҳар бири бир хил юридик кучга эга.

12. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ:

СУҒУРТАЛОВЧИ:

«APEX INSURANCE» АЖ
АЛ-ФАРҒОНИЙ ФИЛИАЛИ

Манзил: Фарғона шаҳар Қомус кўча 38

Тел.: (99897) 336 7555

Факс: (99871) _____

Ҳ/Р: 20208000600906785175

Банк коди 01041

СТИР 305684696

СУҒУРТА ҚИЛДИРУВЧИ:

«Мумтоз Метал Монтаж» МЧЖ

Манзил: Фарғона шаҳар Темир йўл кўчаси 37 уй

Тел.: (73) 224-52-24

Факс: (____) _____

Ҳ/Р: 23 402 000 300 100 001 010

Банк коди 00014

СТИР 201122919

Ш.Б.Джурабоев



О. Гойбназаров



«APEX INSURANCE» МЧЖ

Объектларни давлат маблағлари ва Ҳукумат кафолати остидаги кредитлар ҳисобига барпо этишда қурилиш таваккалчиликларини мажбурий суғурта қилиш шартномасининг намунавий шакли

2022 йил "05" декабрдаги 0504/8909/1/220055-сонли
 Объектларни давлат маблағлари ва Ҳукумат кафолати остидаги
 кредитлар ҳисобига барпо этишда қурилиш таваккалчиликларини
 мажбурий суғурта қилиш шартномасига
 1-сонли ИЛОВА

“APEX INSURANCE” АЖ

Объектларни давлат маблағлари ва Ҳукумат кафолати остидаги кредитлар ҳисобига барпо этишда қурилиш
 таваккалчиликларини мажбурий суғурта қилиш
 АРИЗА-СЎРОВНОМА

1	Суғурта қилдирувчи:	“Мумтоз Метал Монтаж” МЧЖ
2	Буюртмачи:	Фарғона вилоят хокимлиги
3	Пудрат шартномаси рақами ва санаси	01.12.2022 йил №
4	Қурилиш объекти номи	Бешарик тумани Булоқбоши МФЙ, Олтин Водий кўчасида жойлашган Мустақиллик майдонини таъмирлаш
5	Қурилиш объекти жойлашган манзил	Бешарик тумани Булоқбоши МФЙ
6	Қурилиш объекти қиймати	1 140 703 097,0 (Бир миллиард бир юз қирқ миллион етти юз уч минг тўқсон етти) сўм
7	Қурилиш объектининг фойдаланишга топшириш санаси	2022 йил 25 октябр
8	Суғурта пули (қурилатган объект тўлиқ қийматининг 80 фоизидан ортиқ бўлмаган қисми)	912.562.477,60 (Тўққиз юз ўн икки миллион беш юз олтмиш икки минг тўрт юз етмиш етти) сўм 60 тийин
8.1	шу жумладан қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда учинчи шахслар олдида фуқаролик жавобгарлиги бўйича	
9	Суғурта даври	2022 йил 05 декабрдан 2023 йил 04 мартгача
10	Суғурта мукофоти	1.000.000,0 (Бир миллион) сўм
11	Суғурта мукофотини тўлаш тартиби	Суғурта мукофоти БИР ЙўЛА тўланади ёки Умумий суғурта мукофоти қуйидаги тартибда тўланади: 1-чи тўлов 20__й. «__» _____ гач; _____ сўм миқдорида; 2-чи тўлов 20__й. «__» _____ гач; _____ сўм миқдорида; 3-чи тўлов 20__й. «__» _____ гач; _____ сўм миқдорида.

Декларация: Ушбу билан Ариза-сўровномада кўрсатилган маълумотлар тўлиқ, ҳақиқий ва тўғрилигини ва улар
 суғурта шартномасининг асоси ва ажралмас қисми бўлишини тасдиқлаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 931 моддасига мувофиқ, суғурта шартномаси тузилаётганда бил
 туриб ёлгон маълумот берилиши суғурта товонини тўланлиши рад этилишига асос бўлиб ҳисобланиши мумкинлиги
 тўғрисида хабардор этилганмиз.

Биз, шартномаолди экспертизаси босқичида Суғурталовчига суғурта хавфини ўлчамини аниқлаш учун зарур бўлган
 ахборотни тўплаш ҳуқуқини тақдим этишга розилик билдираимиз. Суғурталовчи мазкур Ариза-сўровномани рад эти
 ҳуқуқига эга.

Илова қилинадиган ҳужжатлар:

1. Суғурта қилдирувчининг Устави, давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома;
2. Пудрат шартномаси;
3. Хавфли объектларнинг давлат реестрида рўйхатга олинганлиги тўғрисида гувоҳноманинг нусхаси.

Суғурта қилдирувчи номидан:

О.Ғоибназаров
 Ф.И.Ш. (мансаби)



05/12/2022 й

Сана

«APEX INSURANCE» МЧЖ

Объектларни давлат маблағлари ва Ҳукумат кафолати остидаги кредитлар ҳисобига барпо этишда қурилиш таваккалчиликларин
 мажбурий суғурта қилиш шартномасининг намунавий шакли

